



Кўконда Туркистон миллий мухтор жумхурияти

Тошкент шўро комиссарлиги Туркистон мусулмонлари анжуманининг 1917 йил бошларидаги «мамлакатни ўзимиз идора киламиз» деган қарорини рад қилди. 1917 йил ноябридаги шўролар анжумани туркистонликларни «инкилоб ҳокимиятига» яқинлаштирмаслик қароридан ҳамда шўро комиссарлари ва миллий марказ ўртасидаги Туркистонни идора қилиш бўйича музокаралар натижасиз тугаганидан кейин Миллий марказ имкони борица тез ҳаракат қилиб, Туркистонни миллий асосларга таянган давлат сифатида сақлаб қолишга қарор қилди. Миллий марказ икки ташкилотдан ташкил топганди: бири 1917 йил 17 мартда Мунаввар Кори (Абдурашидхон Сотиболдихон Олимўгли Мунаввар Кори 1880 йили Тошкентда тугилди. Отаси эрта вафот этди. Уни онаси Хосият отин ўстирди. Мунаввар Кори дастлабки маънавий тарбияни Усмон Коридан олди. Мадрасада ўқиш учун 1898 йили Бухорога келди. Моддий қийинчиликлар туфайли мадрасани тарк этди. Тошкентга қелиб, Дархон маҳалласида имомлик қилди. 1900 йилдан ислохотчилик ҳаракатида қўшилди ва «Таржумон» газетаси воситасида янгича ўқитиш усулини ўрганди. Ўртоғи Расим Кишад билан бирга ўзлари янгича мактаб очишди (1901 й.). Билим олиш учун ёшларни чет мамлакатларга (Туркия, Озарбайжон)

юборди ва ана шу максадда «Жамияти хайрия» тузди. Бу жамиятни 1913 йили руслар ман килди. Мунаввар Кори томонидан ислохот рухида ёзилган «Адиби аввал» ва «Адаб ус-соний» дарсликлари ўқитишнинг янги усулига асос солди. Мунаввар Кори 1917 йили мартида «Ислом шўроси» ташкилотини тузди. «Таржумон» газетасига монанд «Хуршид» газетасини чиқара бошлади. У зот «Нашриёт ширкати»нинг ҳам тузувчисидир. Октабрь инкилобидан кейин тараккийпарвар ислохотчилар (жадид) жамиятини бошкарди. Мунаввар Кори Туркистон миллий озодлик курашининг ташвиқотчиларидандир (масалан, Қўкон миллий мухтор жумхурияти эълон қилинишида ва босмачилик ҳаракатини ташвиқ қилишдаги меҳнатлари бунинг гувоҳидир). Мунаввар Кори 1921 - 1922 йилларда Туркистон мухтор ССЖ Маориф халқ Комиссари бўлди. 1924 - 1933 йилларда камокда бўлди. газетасининг 1934 йил 2 январидagi маълумотида кўра, Мунаввар Кори 1933 йили шўро руслари томонидан отиб ўлдирилган. Мунаввар Кори ҳақида тўларок маълумот учун қarang: Мунаввар Кори - юртсевар ва реформист, МТ., 1952, 76 (инглизча нашри), 14-17-б., Мунаввар Кори (бир неча муаллиф), УТ (Ёш Туркистон), 1934, 50-сон, 2-24-б.; Апқача, 1965, № 1-2, 161-172.) бошчилигида тузилган «Ислом шўроси», иккинчиси 1917 йил июнида Шерали Лапин (Алишер Лапин, Оқмачитда тугилган. Туркистон бош волилигининг турли маҳкамаларида тилмочлик билан шугулланган. «Сарт тили» назариясининг химоячиси миссионер Остроумовнинг ашаддий рақиби эди. Февраль инкилобидан сўнг Оқмасжид халқ вакиллари шўроси раиси, 1917 йил майдан эътиборан Тошкентда «Уламо жамияти»нинг раиси бўлиб келди. Қўкон ҳукуматида (10 декабрь, 20 февраль 1918 йилгача) халқ шўроси вазифасини ўтади. 1918 йил июнида Истанбулга ва ўша йили октабрида Берлинга кетади. Бу ерда қайсер 1 Вильхелмга Мухтор Туркистон ҳукуматининг ахборотини тақдим қилди. 1919 йил охирида Туркистонга қайтди ва тез орада оламдан ўтди. Киёсланг: Чўкай ўғли, 1917 йил... 24-б; 480 - 481-б.) раҳбарлигида ташкил этилган «Уламо жамияти» эди. Бу икки уюшма орасида қелишмовчилик ҳам бор эди. «Ислом шўроси» асосан, жадидлардан иборат бўлиб, «Уламо жамияти»нинг кўпчилигини эса анъаначилар ташкил қиларди. Биринчиси Туркистон учун бир мухтор қонун органи тузилиши учун қурашса, иккинчиси рус парламентида Туркистон билан боғлиқ масалаларни хал қилувчи «Ислом адлияси» тузиш учун ҳаракат қиларди. Бошқа тафовутлар ташкилий масалаларда эди. «Ислом шўроси» Тошкент шаҳар мажлисида туркистонликлар кўпчилиқни ташкил қилишини истарди. «Уламо жамияти» эса шаҳар мажлиси (1917 йил июль) сайлов қозғиги 1916 йили Туркистондаги миллий ҳаракатни бостиришда қўполлик ва ҳурматсизлик қилган русларнинг номини қайд қилди (Уламо жамиятидан Тошкент шўросига сайланадиган рус номзодлар қуйидагилар: Марқов ва генерал Лақушин, Марқов ашаддий анархист эди ва 1917 йил июнида Тошкент шаҳар идораси раислигига сайланган эди, Лақушин 1916 йилги қўзғолон вақтида Самарқанд вилояти раиси бўлиб, ҳеч қандай ҳуққсиз, маст ҳолатда 4000 исёнқини оттирган эди. Уламо жамиятининг ўзига ҳос бу икки аъзоси икки ташкилот орасидаги ихтилофни бартараф қиларди. Бу икки ташкилот орасидаги қелишмовчилик сайлов асносида, бари-бир қескинлашди. 1917 йил июнида Ислом шўроси аъзоларидан Убайдуллаҳўжа «Уламо жамияти»га қуйидагича айб қўйди: «Бир рус монархисти бўлмиш Марқовни Тошкент идораси раислигига тақлиф қилган ва бу мансабга сайлаганлар «Уламо жамияти» аъзолари бўлмиш беклар ва бой Лапиндир». Бунга жавобан Лапин: Ислохотчи [жадид] Убайдуллаҳўжага қараганда мақбул бир рус монархисти Марқовни сайлаш яхшироқдир», - деди. Киёсланг: Чўкай ўғли, 1917 йил, 79-б.). Туркистоннинг бу икки жамияти ўзаро қелишолмаётган бир вақтда шўролар ҳам ҳудди Керенский қаб

Туркистонга мухторият беришга шошилмасди. Туркистоннинг миллий жамиятлари Тошкентни тарк этишга мажбур эди. Чунки ҳокимиятни аскар ва полиция кучи билан кўлга олган шўро Русияси миллатпарварлар фаолияти учун бу ерда имкон қолдирмаганди. Шу сабабли Туркистон миллий маркази Тошкентни тарк этиб, миллий талаблар маркази сифатида Кўкон шахрини танлади. «Ислом шўроси» ва «Уламо жамияти» 1917 йил ноябрида шошилишга Туркистон анжуманини чақиришга қарор қилди. Умидсиз бир вазият ҳар икки ташкилотни бирлаштишга мажбур қилди. Мўлжалланган анжуманга рус социал-демократларининг антиболшевик қанотидан Чайкин ва Бухоро яхудийлари вакили Саломон Херцфельд қатнашиши қўшилган эди. 1917 йил 9 декабрида Туркистон мусулмонларининг 4-фавақулдда анжумани собиқхон саройида очилиб, унда 180 вакил қатнашди (1917 йил 10 декабрида 200 миллат вакил тасдиқланди. Фаргона водийсидан 150дан ортиқ вакил қатнашиб, улар қўпчилиқни ташкил қилди. Самарқанддан 21, Сирдарёдан 22, Бухородан 4, Хазар минтақасидан 1 вакил қатнашди. Киёсланг: Castagne, Le Turkestan, 47 б.). Шундай қилиб, Кўкон «Ислом шўроси» ташаббуси билан бутун антиболшевик ва миллий қўчларнинг бирлашган бир «Антивовет маркази»га айланди (Большая Советская Энциклопедия, 1938, С. XXX. 267-6.).

Қўн тартиби қўйидагича белгиланди:

1. Туркистоннинг ҳукумат тарзи.
2. Туркистоннинг «Жанубий-шарқий федерация»га қириши масаласи.
3. Ижроия қўмитаси сайлови.
4. Туркистоннинг «Ўқўйриқ (конституция) мажлиси» тузиш.

1917 йил 10 декабрида вакиллар буюқ рус инқилоби тартибларига асосланган ҳолда демократик ва федератив Русия доирасида Туркистонни «махаллий Мухтор жумҳурият» деб эълон қилишга қарор қилдилар (Қарорнинг матни: ТУ 1930, 13, 5-6; Benring, Turkestan, Berlin, 1934, 20-6.). Анжуман 54 қишилиқ «Халқ шўроси» сайлади. Буларнинг 36 нафарини туркистонли бўлиб, қолганлари рус ё бошқа туркистонлик бўлмаган шахслар эди. Шўро вақтинча парламент вазифасини ўтайдиган бўлди. Шерали Лапин Халқ шўросининг раиси бўлди. «Халқ шўроси» 10 декабрда 10 қишидан иборат қўмитаси - ҳукуматни сайлади (Хукумат тубандаги аъзолардан майдонга қелган эди: Мухам-маджон Тинишбой - раис ва ички ишлар нозири, Шоаҳмад Шоислом - раис муовини, Ўбайдуллаҳўжа Абдуллаҳўжа - миллий мудоффа ва амният нозири, Хидоят Юргулога - дехқончилиқ нозири, Миродил - саломатлик нозири. Абдурахмон Уразай - қалам мудирини ва ички ишлар нозирининг вакили, Назирхон Тўра - таълим-тарбия нозири, Обиджон Махмуд - озуқа нозири. Саломон Херцфельд - молия нозири, Киёсланг: Hayit, Die Nationalen. Regierungen, 61 - 66 б.). Кўкон ва Алаш Ўрда ҳукуматлари бирлашиб қетиши эҳтимолини ҳисобга олиб, 3 қўрсини бўш қолдирилди. Анжуман «Туркистонни шарқий-жанубий иттифокка қириши» масаласига алоҳида эътибор берди. Бу фикр, яъни «Давлатлар иттифоқи» фикрини Урал қазаклари бошқиси антиболшевик атаман Дутовники эди. Бошқирлар йўлбошқиси Заки Валидий ҳам бу

режани қабул қилди. Бу иттифок 15673680 82% мусулмон) киши яшайдиган 4010139 км² ерни қамраб олиши керак эди. Иттифок эски Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги, Қозок ўрдалари (Юзлари), бошқирлар билан Оренбург қазаклари ўлкалари ўрнида майдонга қелиши қўзда тутиларди. Анжуман шундай бир қарорни Туркистон ўқийлик мажлиси муҳоқамасига қўйишни лозим топди (Чўқай ўғли, «Хўқанд мухторияти хақида». 1927. №7, 11-6: Жа-нубий Шарқий қазак қисмлари Туркистондаги бу бирликлар билан қўшилиши учун Туркистон миллий қонгрессиға мурожаат қилди. Қўқон қонгресси бу масала юзасидан бўлажак ўқийлик мажлисининг қарори қерақлигини билдирди. Бу эса аслида ўша қисмлардан воз қечиш, деган гап эди.). Мухтор Туркистон ҳоқимияти 5363941 ақолиси бўлган 1524765 км² майдонда жорий деб ҳисобланди. Ҳуқумат ва халқ бу миллий мухториятни соғломлаштиришға интильди. Сим шаҳрида [Янги Марғилон Скобелев-Фаргона) Санжар Асфандиёр ва Султонхўжа идорасидаги «Туркистон ишчи ва дехқон бирлиги» 1917 йил 27 декабрида қуйидаги телеграммани юборди: «Тошқентда тузилган шўро қомиссарлиги туркистонлик бўлмаган оломонга, яъни Русия ҳуқумати аскарларига таянганликлари учун уни тарқатиб юборишни талаб қиламиз. Қўқон ҳуқумати қонуний ҳуқумат сифатида эътироф қилиниши керак. Ақс қолда, Туркистон ишчи ва дехқон бирлиги зарур қораларни қўришға мажбурдир» (УТ, 1930. №13. 9-6, МТ, 1945, №62, 19-6.). Аммо шўро ҳуқумати маҳаллий ишчи ва дехқонларнинг иродасига рўйхушлик бермади. Туркистон ишчи ва дехқон бирлигига 5 январь 1918 йили ҳуқумат номидан И.В. Сталин жавоб йўллади: «Шўролар ўз ишларида эркиндирлар. Бунинг учун меҳнатқаш туркистонликлар Тошқент қомиссарлигини тугатиш борасида Петербург ҳуқуматидан илтимос қилиши шарт эмас. Ақсинча, уларни қуч ишлатиб, тарқатиб юбориш керак. Агар Туркистон ишчи оммаси бундай қучға эга бўлса...» (Ленин и Сталин о Средней Азии. - Москва: 1941, 163-6; УТ, №83, 11-6.) На Қўқон ҳуқумати, на маҳаллий ишчилар Тошқент шўро қомиссарлигини тарқатиб юборадиган қучға эга эмаслиги аниқ эди. Бу телеграмма мухтор ҳуқуматға ҳамда Туркистон ишчи ва дехқон бирлигига юборилган илк уруш эълони десак, хато бўлмас. Миллий ҳуқумат миллий мухториятни химоя қилишға ва ташқи сиёсат асосларини белғилашға қиришди. Ташқи ишлар нозири Чўқай 1917 йил 26 декабрида Туркистон шаҳрида (Ясса) Алаш Ўрда ҳуқумати билан учрашди. Бу учрашув натижа бермади. Алаш Ўрда ҳуқумати Русия қонун қикарувчи мажлиси ташқил қилинишини қутарди. Қолбуқи, бу ҳар икки ҳуқумат бирлашиши учун шароит уларнинг қаминидан бошлаб мавжуд эди. Қўқон ҳуқуматининг жумхур райси ва ички ишлар нозири Тинишбой айна қамонда Алаш Ўрда ички ишлар нозири ҳам эди. Чўқай эса ҳар икки ҳуқумат ташқи ишлар нозири ҳисобланарди. Туркистон мухтор жумхурияти мавжудлигини химоя қилган Қўқон мухторияти моддий-молиявий қийинчиликларға дуч қелди. Молия нозири Шоислом (1917 йил декабрининг охириларида райс ёрдамқиси Шоислом молия нозирлиги вазифасини қабул қилди.) 1918 йил 15 январда халқдан қиска муддатға 30 миллион сўм қарз ундириш учун «Халқ шўроси» розилигини сўради. «Халқ шўроси» бу илтимосни маъқуллади, аммо Тинишбой шу боисдан истеъфо берди. «Халқ шўроси» давлат бошлиқи лавозимига Ўбайдуллахўжани тақлиф қилди, аммо у тақлифни қабул қилмади. Кейин Мустафо Чўқай давлат бошлиқи (Мустафо Чўқай (Чўқай ўғли, Чўқаев, Чўқайбий) (7.1.1890-27.12.1941). Оқмақитда тугилган. Отаси Чўқайбий Тўрғай додқо (1841 - 1913) қозокларнинг қипчок уруги беги эди. Бу уруг шу ном билан айна пайтда қозокларда, ўзбекларда, турқманларда, қорақалпоқларда ва қозон татарларида бор. Қиёсланг: Тинишпаев, Материалм к истории қазак-қирғизского народа. - Ташқент: 1925, 27-6. Мустафо Чўқай

Петербургда ҳуқукдан таҳсил олган. Убайдуллаҳўжа таклифи билан Туркистон миллий шўросининг раиси бўлди (апрель-декабрь 1917 й.) Кўкон мухтор ҳукуматининг асосий ташкилотчиларидан бири. Бу ҳукуматда у ташки ишлар нозири бўлиш билан бирга Алаш Ҳўрда ҳукуматида ҳам шу вазифани ўтади. Тинишпай истеъфо бергач, Кўкон ҳукумати бош нозири бўлди. Кўкон ҳукумати йикитилгач, у Оренбургга кочди ва 1918 йил мартида Бокуга келди (киёсланг: RMM. 11, 249-6). Бироз Тифлисида яшади. У ердан Туркияга, сўнг Парижга кетди. Оврупода 1929 йилгача «Туркистон мил-лий бирлиги» ташкилотининг намојандаси ва вафотиға қадар ўша уюшманинг раиси бўлди. Булардан ташқари Мустафо Чўкай «Ёш Туркистон» жаридасининг бош муҳаррири ҳам эди. Париж, Берлин (1929 - 1939) ва бошқа Оврупо мамлакатлари газеталарига кўплаб мақолалар ёзди. 15 декабрда Чнестахау ҳарбий асирларини зиёрат қилди. У ерда тиф касалиға мубтало бўлиб, 27 декабрь 1941 йили Берлинда вафот этди. 1962; УТ, No 47,94-6. Доктор М. Делил, Туркистон туркларининг буюк миллатчиси ва юртсеварларидан Мустафо Чўкай албуми, Истанбул, 1942; Истанбул, 21.1.1941; ЭРТУРК (Хайит (Мустафо Чўкай, МТ, 1950, No65,11 - 14 6: Булоқбоши. Истиклол курашчиси, МТ, 1952, №76 А 13 - 16 6.) ва Убайдуллаҳўжа унинг муовини қилиб сайландилар.

Рус ҳукумати, яъни Тошкентдаги шўро комиссарлиги мухтор ҳукуматни ўзига таҳдид солувчи ташкилот ҳисоблади ва миллий асосда ташкилланган бу ҳукуматни турли воситалар билан йикитиш пайига тушди. Тошкентдаги «Рус ишчи, аскар ва дехкон шўроси» 1918 йил 31 августда шундай қарор қабул қилди:

1. Кўкон мухтор ҳукумати тарқатилиб, унинг аъзолари ҳибсға олиниши керак.
2. Кўкон ҳукумати идораларини шўролар (Советлар)га берилиши.
3. Чанишевни(Революция в Средней Азии» мажмуаси. - Тошкент: 1920, 12 -25 б: Якуб Жангирович Чанишев Кўкон ҳукумати аъзоси бўлган деб даъво қилинади, УТ, 1930, 3-4 бетида бу ерда ўша даъво рад этилади. 1892 йили тугилган Чанишев 1917 йилдан эътиборан Тошкентда шўро халқ комиссарлигида фаолият кўрсатган ва қизил кўшин татар қисмининг комиссари сифатида Туркистондаги миллий ҳаракатларни бостиришда жонбозлик кўрсатган. I жаҳон уруши вақтида генерал унвонига эга эди, Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати - босмачиликка қарши кураш хотираларини «Қардош Туркистон халқларига ёрдам» ибораси билан нисоблаб, «За Советский Туркестан» номли (Тошкент, 1963) асар ёзган.) дарҳол Кўкон милицияси бошлиғи қилиб тайинлаш.

Шўро комиссарлиги сўнг тезлик билан Кўконни ишғол қилиш ҳозирликларини кўрди(Сафаров, Колониальная революция. 70-6. Кўкон мухтор ҳукуматини нишонга олган конгрессларда Тошкентдаги шўро русла-рининг энг асосий тушунчаларини билиш учун қаранг: Гордиенко. Образование Туркестанской АССР. - Москва: 1968, 167 - 168 бетлар, шўро конгрессида бошқа масалалар билан бирга қуйидагиларга ҳам диққат қартилди: «Болшевиклар партияси мақсади, ўлкада бир пролетариат мухторияти ташкиллаштириш ҳаракатидадир». Киёсланг: Гордиенко. Творческий рол, 116-6. Шўро конгрессининг қарорида: «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашдан биз факат меҳнатқаш синфига ўз тақдирини ўзи белгилашини тушунамиз», деб аниқлик

киритилди. Киёсланг: Уразаев, Ленин и строительство, 190-6.). 1918 йил 7 феввалида Моисей Кузмин Шкарупа кўмондонлигидаги (140 аскар, 4 пулемёт) рус харбий кисми Кўконга келди. Шкарупа шундай маълум килади: «Бу кисм Кўконга кирганда хамма ерда сукунат хукмрон эди. Сўнгра бу кисм арман дошноклари партиясидан 120 аскар кўшилмаси билан мустахкамланди. 11 февралда бир томонда рус ва армани кисмлари, бошка томонда Кўкон милициялари тўкнашуви бошланди. Дастлабки жанглар 15 февралгача давом этди. Тошкентдан ёрдам кучи олган рус кисмлари 18-19 февралда уруш комиссари Г.Парфилов кўмондонлигида шаҳарга хужум килдилар». Шкарупа давом этиб шундай деди: «Кисмларимиз шаҳарни уч томондан куршаб олдилар. Мудофаа килиш (Кўконликлар мудофааси - муаллиф) фойдасиз эди. Факат мухториятчилар бизни урушишга зўрлашарди. Жанг нихоятда ку-чайди. Кўчалар бир неча марта кўлдан кўлга ўтди. Чеки кўринмаган ёнгин бошланди. Шаҳар уч кун ёнди» (Зевелов, За Советский Туркестан, 95-6.). 22 февралда рус ва арманилардан пайдо бўлган кизилбирликлар Кўконни босиб оладиган даражага етишди. 1000 дан ортик дўкон пойдеворларигача ёниб кул бўлди. Шўро рус ва арманилари катли ом бошладилар. Кўконда ЮОООга якин махаллий халк ўлдирилди (Киёсланг: Castagne, RMM, Benzing, Turkestan, 19-6.; Шомагдиев, Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Ташкент, 1961, 54-6. Ўлдирилган одамлар сонини таккосламай кабул килган. Фарки шундаки, уларни дашноклар ўлдирганми ёки босмачими деб шубхага боради. Холбуки, бу даврда хали босмачилик ўзи йўк эди. Дашноклар эса рус кисмлари билан кўлни кўлга бериб, жангга кирган эди (Шкапуранинг «За Советский Туркестан» ахборотининг 91 - 92 бетига каранг]. Кўкондаги оммавий катли ом айбдори шўро манбаларининг ўзиданок арманлар эканлигини кўрсатиб турибди. Кизил кўшин каноти остида бўлган армани дашнокларининг феъл-атворини Шомагдиев шундай ёзади: «Туркистондаги дашноклар аксилинкилобий фаолиятларини яшириш йўли билан хоинлардан ва баъзи шўро рахбарларидан ёрдам олдилар. Шу йўл билан бу карокчилар шўро кисмлари деб эълон килиниб, курол билан таъминланди». Очерки истории, 54-55 6. Совет арманларининг газаби кўркинчли эди. Улар Фаргона водийсида 130 кишлокни ёндирди. Сузук, Кўкон кишлок ва Бозоркўргон кишлоги ахолисини бутунлай кириб ташлади. Армани дашноклари 1918 йил бошларида Маргилонда тахминан 7000, Андижонда 6000, Наманганда 2000, Бозоркўргон билан Кўкон кишлокда 4500 атрофидаги кишини бошини танасидан жудо килдилар. Киёсланг: Шомагдиев. Очерки истории, 56-6. Асли наманганлик бўлиб, арманилар катлиомида шахид бўлган имом Нуриддин Накибхўжа Намангонийнинг ўгли 17 октябрь 1969 йилда билдиришича, арманилардан ташкил топган совет бирликлари 1919 йилнинг бошида Наманган шаҳрида бир ярим ой давомида уйларга ўт кўйдилар. Улар уйдан уйга кириб, ким дуч келса, болта билан чопдилар.). Кўкон учун катагон уруш асносида шўро делегацияси Мухтор жумхурият раиси Чўкай билан учрашди ва ундан хукуматни таркатиб юборишни талаб килди. Чўкай шундай жавоб берди: «Сиз кучлисиз. Бизни, хозирча, миллий хукукимиздан бошка кучимиз йўк. Факат биз бундай курашлардан хали умидимизни узмадик. Бизни енга оласиз, аммо Туркистондаги диктаторлигинизни ва шўро хукуматинизни тан олмаймиз» (Vaidyanath, The Formation, 83-6. «Кўкон мухториятини тугатиш билан ерлик халк Туркистонда совет-рус тузумига карши курашни тўхтатмади, аксинча, унинг ниятлари жиддийлашди»). 1918 йил 12 феввалида шўро кисмлари хукумат биносини ишгол килди. «Халк шўроси» хамда хукумат аъзоларидан тахминан 50 киши кўлга олинди. Бошқалари кочди. Кўкон миллий хукумати куч ишлатиб йўк килинди. Аммо бу ходиса Туркистондаги

Муаллиф:

15.03.2024 11:00 -

миллий озодлик курашининг янги боскичини бошлаб берди. «Босмачилик ҳаракати» бошланди.

Шўро тузуми Туркистоннинг Кўкондаги қонуний ҳукуматини ағдариш билан ўзининг ҳақиқий башарасини кўрсатиб қўйди ва «Россия халқларининг ҳуқуқлари» ҳақида баёноти жиддий эмаслигини исботлади. Шундай қилиб, шўро ҳукумати тарихий «миллатларни эзиш» сиёсатини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилди ва давом эттирди (А. И. Туманов, Борьба за установление и упрочение советской власти в Туркестане, «Установление Советской власти на местах» (Москва, 1953) китобидан олган Шамағдиев «Очерки истории»нинг 10-бетида шундай ёзади: «Туркистон коммунистлари (рус коммунистлар демокчи) миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, аввалги вақтдаги миллатларни жиловлаб туриш сиёсатини тугатиш учун бир ёрдамчи восита эканини тушуниб етмадилар».).

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой ораллигида" китобидан